


ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ЎРТАСИДА ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 февраль куни Япония Бош вазирининг махсус маслаҳатчиси Акихиса Нагасима бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорлик ва амалий шерикликини кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Махсус маслаҳатчи Акихиса Нагасима давлатимиз раҳбарига Япония Бош вазири Сигеру Исибанинг саломи ва шахсий мактубини etkazди. Япония Ўзбекистонда қонун устуворлигига асосланган эркин ва очиқ халқаро ҳам-

корликни таъминлаш ва мустаҳкамлашда ўзининг ишончли ва узок муддатли стратегик шеригини кўраётгани таъкидланди. Япония ҳукумати иқтисодий ва инновацион ҳамкорлик, энергетика, саноат, инфратузилма ва ижтимоий соҳалардаги

кооперация, жадал таълим ва маданий алмашинувлар, туризм ва меҳнат миграцияси дастурлари, шунингдек, самарали минтақавий ҳамкорлик каби кенг қўламли йўналишларда икки томонлама муносабатлар жадал ривожланиб бораётганини юксак баҳолаётгани алоҳида қайд этилди.

2024 йилда мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 35 фоизга ошди. Япониянинг етакчи компания ва банклари билан лойиҳалар портфели 12 миллиард доллардан зиёдини ташкил этмоқда. Ўзбекистонда 100 га яқин қўшма корхона ва ташкилотлар, жумладан, Ўзбекистон — Япония маркази муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон етакчиси олий ва юқори даражадаги фаол мулоқотлар ва ўзаро ташрифларни давом эттириш муҳимлигини қайд этди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий-техник соҳалардаги, шу жумладан, Япония ҳукуматининг Тараққиётга қўмаклашиш дастури доирасидаги ҳамкорликнинг кун тартиби сермазмун экани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Япония ҳукуматига жорий йил апрель ойида Осака шаҳрида бошланадиган “Экспо” бутунжаҳон кўргазмасини муваффақиятли ўтказишни тилади.

Бўлажак “Марказий Осиё + Япония” форматидagi биринчи саммитга тайёргарлик доирасида минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ШАРҚ РЕНЕССАНСИ” IV ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли симпозиум қатнашчилари! Муҳтарам меҳмонлар! Аввало, сиз, азизларни “Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси” IV халқаро симпозиумининг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Қадимий Ўзбекистон заминида, гўзал Зарафшон воҳасида Шарқ Уйғониш даврининг ёрқин намояндаси, буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий номи билан аталадиган навқирон шаҳарда илк бор ўтказилаётган ушбу форумнинг нуфузи дунё миқёсида тобора ортиб бормоқда. Бу галги анжуманда Осиё, Африка, Европа ва Америка қитъалари мамлакатларидан кўплаб таниқли олим ва тадқиқотчилар иштирок этаётгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Мазкур анжуман Навоий вилоятида “Алишер Навоий йили” деб эълон қилинган жорий йилда, улуғ аждодимизнинг 584 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланаётган кунларда ўтаётгани унинг файзи ва шукуҳини янада оширмоқда.

Қадрли дўстлар! Жаҳон адабиёти ва тафаккури тарихида ўчмас из қолдирган Алишер Навоийнинг серқирра ижтимоий-сиёсий, ижодий, илмий-маърифий фаолияти, бой адабий-бадий мероси асрлар давомида юксак инсонпарварлик, Ватанга садоқат, адолат ва эзгулик тимсоли сифатида ҳамиша жаҳон аҳлининг эътиборини тортиб келмоқда.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий ўта мурраккаб шароитда миллий ва умуминсоний ғояларни баланд кўтариб майдонга чиққани, ўзбек адабий тилига асос солиб, унинг ўлмас руҳи, қудрати ва латофатини ҳар томонлама исботлаб бергани чинакам маънавий жасорат намунаси, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу мумотоз сиймо жаҳон адабиёти меъзоларига, замон ва тарих синовларига тўла жавоб берадиган дурдона асарлар

яратиб, нафақат ўзбек, балки барча туркий адабиётлар ривожига беқиёс ҳисса қўшгани ҳам юксак ҳайрат ва таҳсинга муносибдир.

Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий мероси ҳақли равишда жаҳон адабиёти даҳоларининг буюк асарлари билан бир қаторда туриши бизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди.

Айниқса, мутафаккир аждодимизнинг турли халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, башариётнинг ёруғ келажagini биргаликда қуришга қорлайдиган ғоя ва қарашларининг аҳамияти ҳозирги таҳликали даврда тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда биз Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессансни барпо этиш жараёниларида Алишер Навоий асарларини ўзимиз учун битмас-туганмас қуч-ғайрат ва илҳом манбаи деб биламиз. Шу боис, бу ноёб маънавий бойликни чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, шу борада юртимиз олимлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётган сиз, азизларга, барча илмфан намояндаларига чуқур миннатдорлик билдираман.

Ушбу анжуманга пухта тайёргарлик кўрган, Алишер Навоийнинг таваллуд айёминини катта шоду хуррамлик ва бунёдкорлик ишлари билан қутиб олаётган Навоий шаҳри ва вилояти аҳлига, мутасадди раҳбарларга ҳам самимий ташаккур изҳор этаман.

Сизларни яна бир бор чин дилдан қўлаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, илмий ва ижодий фаолиятингизда улкан ютуқ ва омадлар, анжуман ишига эса муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

“ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ “АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” ЙИЛИДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ва Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида белгиланган вазифаларнинг ижросини оғишмай ташкил этиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисида ҳадди конвенциясининг Киото протоколи ва Париж битими доирасида мамлакатнинг глобал ҳам-жамият олдида олган мажбуриятларини бажаришда тармоқ ва соҳаларнинг уйғун “яшил трансформация”сини амалга ошириш, уларнинг рақобатбардошлиги ва ресурс тежамкорлигини таъминлаш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш ҳамда аҳолининг яшаш сифатини яхшилаш ва иқтисодий ўсишнинг янги “яшил ривожланиш” моделига ўтиш мақсадида:

1. “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида мамлакат ривожланишининг устувор ёндашувлари этиб қуйидагилар белгилансин:

маҳаллаларнинг экологик қиёфасини яхшилаш, кўчаларда яшиллик даражасини ошириш, экологик хижатдан қулай ва фаровон яшаш муҳитини шакллантириш;

аҳолининг саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон салохиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш;

табiiй ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш; ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, кўпайтириш ва кейинги авлодга етказиш ҳамда биологик хилма-хилликни сақлаш;

“яшил иқтисодиёт” тамойилларини кенг жорий қилиш, иқтисодиётни иқлим ўзгаришига мослаштиришга қаратилган лойиҳаларни барқарор молиялаштириш; республика энергобалансида қайта тикланувчи энергия улушини ошириш, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида йирик “яшил энергия” станцияларини барпо этиш, ҳудудларда кичик ва микро гидроэлектр станциялари тармогини кенгайтириш, аҳоли хонадонларида қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш; иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада замонавий энерготежамкор технологияларни кенг қўллаш орқали иқтисодиётда “углерод изи”ни камайтириш; экологик барқарорликка йўналтирилган ҳудудлар ва тармоқлараро мувофиқлаштирувни таъминлаш.

Белгилансинки, устувор ёндашувлар ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишни кўзда tutувчи иқтисодий ривожланиш моделига ўттиш орқали 2030 йилгача ялли ички маҳсулотнинг йиллик ўсишини камида 6 фоиз ва унинг ҳажмини 200 миллиард АҚШ

долларига етказиш, инфляцияни 5 фоиз, бюджет тақчиллигини ялли ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиз даражасида сақлаш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадларига эришишга асос бўлади.

2. 2025 йилда “яшил иқтисодиёт” тамойилларини кенг жорий қилиш, иқтисодиётни декарбонизация қилиш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишга қаратилган лойиҳаларни барқарор молиялаштириш борасида:

Париж битимининг талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг углерод нейтраллигига эришишининг узок муддатли стратегияси ишлаб чиқилиши; иқлим ўзгаришига мослашиш, “яшил технология”лар трансфертини инobatта олган ҳолда глобал миқёсда мамлакатимизнинг келгуси 5 йилда иссиқхона газларини қисқартириш бўйича Миллий миқёсда белгиланган ҳиссаси (NDC) эълон қилиниши;

метан эмиссиясини қисқартириш мажбурияти доирасида табiiй газ, чиқиндилар ва чорвачилик соҳаларида метан эмиссиясининг базавий ҳолати аниқланиши;

Давоми 2-, 3-бетларда

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ЯХШИЛАНСА, ЮҚОРИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА БАНДЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 февраль куни ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Уч йил олдин бу борада катта дастур қилингани бутун натижасини бераяпти. Сервис соҳасида қўшимча 1,5 миллион аҳоли доимий даромадга эга бўлди. Хизматлар миқдори 2018 йилдаги 19 миллиард доллардан 65 миллиард долларга ошди. Айниқса, ахборот технологиялари, молиявий хизматлар, туризм, авиация, таълим ва тиббиёт соҳаларида “катта сакраш” бўлди.

Булар яхши, албатта. Лекин имкониятлар бундан жуда кўп. Уларни ҳаётга таътиқ этишда ҳудуд ва соҳаларда яхлитлик йўқ.

Масалан, Хоразмга 6 миллион турист жалб этиш режа қилинган. Лекин бунинг учун самолёт ва поездлар қатнови етарли эмас. Тиббиёт, авиация ва энергетикада хусусий сектор иштирокидаги лойиҳалар 20 миллиард доллардан ошган. Аммо ичимлик суви, канализация ва йўл қурилишида бундай лойиҳалар деярли йўқ.

Йиғилишда шу каби муаммолар таҳлил қилиниб, ҳудуд ва соҳалардаги улкан имкониятлар кўрсатиб ўтилди. Сўнгги етти йилда аҳоли даромади ва тўлов қобилияти 2 қарра ўсгани натижасида хизматларга талаб

ортаётгани қайд этилди. Бунинг учун вазирлар ва ҳокимлар хизмат турларини кўпайтириш бўйича ҳар куни изланиб, тадбиркорларга йўл очиши кераклиги таъкидланди.

Бу йил хизматлар ҳажмини 15 фоизга ошириб, 82 миллиард долларга, экспортини эса 8,5 миллиард долларга етказиш, соҳада 2,5 миллион одамни даромадли қилиш мўлжалланган.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР МИР АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ ЮРТИМИЗ ВА ЖАҲОН МИҚЁСИДА КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ҲАМДА НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА “АЛИШЕР НАВОИЙ ЙИЛИ”НИ ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Буюк шоир ва мутафаккир, халқпарвар давлат арбоби Мир Алишер Навоийнинг бебаҳо мероси эл-юртимиз маънавий ҳаёти ва дунё адабиёти ривожида алоҳида муҳим ўрин тутди. Ул зотнинг муборак сиймоси умрини Ватан ва халқ саодати учун бахш этишни ҳаёт маслаги деб биладиган фидойи шахсларни тарбиялашда барча даврлар учун юксак идеал намунаси бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги йилларда улуғ аждодимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилди, жумладан, шоир олимий экспедициялар ташкил этилди, шoir асарларини хорижий тилларга таржима қилиш ва нашр этиш ишлари давом эттирилмоқда.

Буюк гуманист, адолат ва эзгулик қўйчиси, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт ҳомийси Алишер Навоийнинг умумбашари аҳамиятга эга ўлмас меросини янада теран тадқиқ этиш, халқимиз ва жаҳон аҳлини бу улкан бойликдан ҳар томонлама баҳраманд этиш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда кенг жамоатчиликнинг Алишер Навоий таваллудининг 584 йиллиги муносабати билан Навоий вилоятида 2025 йилни “Алишер Навоий йили” деб номлаш тўғрисидаги тақлифий маъқулансин.

2. Алишер Навоий ижодий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш ҳамда Навоий вилоятида “Алишер Навоий йили”ни юқори даражада ўтказиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси)нинг таркиби 1-чловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Алишер Навоий меросини ўрганиш ишларини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида юртимиз ва чет элларда тизимли асосда илмий изланишлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини эълон қилиш, ушбу мавзуда янги илмий, бадий ва оммабоп асарлар яратиш, хориждаги навоийшунос олим ҳамда ижодкорларнинг асарларини ўзбек тилида нашр этиш чораларини кўриш;

Навоий сиймоси тасвирланган, унинг шахси, илмий-маърифий мероси, давлат арбоби сифатидаги фаолиятига бағишланган кўргазмали ахборот воситаларини тайёрлаш, медиамаҳсулотлар ва аудиовизуал асарлар яратиш, уларни маҳаллий ва хорижий имовий ахборот воситаларида кенг ёритиш ҳамда ижтимоий тармоқларга жойлаштиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги элчихоналари, ўзбек миллий маданий марказлари, ватандошлар жамиятларида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти, инсонпарварлик ғояларини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида илмий анжуманлар ҳамда давра суҳбатлари ташкил этиш;

мазкур жараёнда вазирлик ва идоралар, илмий ва ижодий, маърифий муассасалар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш;

ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, чора-тадбирларни молиялаштириш билан боғлиқ харажатларни Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро грантлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилишини ташкил этиш, маблағларнинг тақсимланиши ва сарфланишини назорат қилиш.

Давоми 3-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ “АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” ЙИЛИДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

умумий қуввати **4,5 ГВт** бўлган йирик қуёш ва **шамол** электр станциясини ишга тушириш, қуввати **785 мегаватт** бўлган қуёш панелларини ўрнатиш, қуввати **225 мегаватт** бўлган **гидроэлектр станцияларини** барпо этиш орқали жами қайта тикланувчи энергия манбалари улуши электр энергияси ишлаб чиқаришда **26 фоизга** ва жами генерация қувватлари таркибидagi улуши **40 фоизга** етказилиши;

янги қуриладиган бино-ишоотлар ва уй-жойлар энергия самарадорлигидан келиб чиқиб, “Яшил бино” сертификати жорий этилиши таъминлансин.

Мазкур банднинг сўзсиз, сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлашга масъул этиб тегишсина Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазيري **Ж.Қўчқоров** ҳамда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришини вазири **А.Абдухакимов** белгилансин.

3. Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамахмудов) Қорақалпоғистон Республикасини Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой мuddатда:

2025 йилда қуёш панеллари ва геотермол-электрлорини туман ва шаҳарлар кесимида ўрнатиш дастурини;

2025-2026 йилларда республика ҳудудларида микро гидроэлектр станцияларини қуриш дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. “Тежамкорлик ва барқарорлик” тамоийли асосида давлат иштирокидаги йирик корхоналарни **трансформация қилиш** ва ишлаб чиқариш харажатларини **15-20 фоизгача** қисқартириш мақсадида **2025 йил якунига қадар**: йирик стратегик корхоналар томонидан экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) таъминллари асосида корпоратив дастурлар ишлаб чиқибли, камиди 5 та йирик саноат корхонасида **ESG миллий ҳисоботи** йўлга қўйилиши ва жамоатчиликка ошкор этиш амалиёти жорий этилиши;

“Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ, “Uzbekistan Airways” АЖ, “Uzbekistan Airways” АЖ томонидан **ESG рейтингни** олинсин;

Самарқанд ва Фарғона вилоятларида тажриба-синов тариқасида **экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирган саноат зоналари** ташкил этилиши таъминлансин.

Мазкур банднинг сўзсиз, сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлашга масъул этиб тегишсина Бош вазир ўринбосарлари **Ж.Қўчқоров, Ж.Ходжаев** ва экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришини вазири **А.Абдухакимов** белгилансин.

5. 2025 йилда маҳаллаларнинг экологик қиёфасини яхшилаш, қўчаларда яшиллик даражасини ошириш, экологик жиҳатдан қўлай ва фаровон яшаш муҳитини шакллантириш борасида: аҳоли учун барпо этилаётган пидеалар ва алоҳида велосипед йўлаклари бўйида дарехтлар ва ўсимликларни экиш орқали “Соғли сайр қўчалари” тармоғи яратилиши, соҳил ва дарё бўйларидида **80 та** инфратузилма обекти ва **110 километрдан ортиқ соғломлаштириш йўлаклар** қурилиши;

ёмғир ва оқова сувлардан самарали фойдаланиши, маҳаллалардаги дарехтларни замонавий сув тежовчи технологиялар орқали сугориш тизимини жорий этиш натижасида яшиллик даражаси оширилиши;

“Яшил макон” умумийлиий лойиҳаси ва “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида **200 миллион** туپ дарехт ҳамда буталар экилиши, “яшил боғлар” ва “яшил жамоат парклари”да қуёш панеллари ёрдамида қувватланувчи ёриткичлардан фойдаланилиши;

Орол денгизи тубида **100 минг гектар “яшил майдон”** барпо этилиши ва Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорлар **2,1 миллион гектар** етказилиши;

ўрмон билан қопланган майдонлар **4,1 миллион гектарга** етказилиши ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар **14,5 фоизгача** кенгайтирилиши ҳамда уларнинг экотуризм, қўчатчилик ва дориворчилик йўналишларидаги фойдаланилмаётган захиралари аниқланиши, уларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилиши ва аҳолининг даромадлари оширилиши;

Қорақалпоғистон Республикасини, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг танланган ҳудудларида **шўр ва сувсизликка** чидамли ўсимликлар (галофит) боғлари ташкил этилиши;

Қорақалпоғистон Республикасини, Бухоро, Сурхондарё, Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилоятларида давлат “ин-витро” лабораториялари ташкил этилиши, шунингдек, хусусий “ин-витро” лабораторияларини барпо этишга тадбиркорлик субъектларига кредитларини ажратиш учун халқаро молия институтларидан камиди **30 миллион АКШ доллари** миқдоридида маблағлар жалб этилиши;

жамоатчилик, экофаоллар ва бизнес вакилларининг **табиатни муҳофаза қилиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлаш** акселерация тизими жорий этилиши таъминлансин.

Мазкур банднинг сўзсиз, сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлашга масъуллар этиб тегишсина Бош вазир ўринбосари **Ж.Қўчқоров**, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришини вазири **А.Абдухакимов**, қишлоқ хўжалиги вазири **И.Абдурахмонов**, иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари **И.Норкулов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

6. 2025 йилда аҳолининг саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон салохиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш борасида:

а) аҳолининг кундалик ҳаётига экологик таъминллари сингдириш орқали мамлакатимизда “Экофаол фуқаро” ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган “**Бир миллион яшил оила**” умумийлиий ҳаракати йўлга қўйилсин ва аҳоли орасида тарғиб қилиш ишлари ташкил этилсин. Бунда унинг асосий таъминллари этиб қуйидагилар белгилансин:

аҳоли орасида **соғлом турмуш тарзи, хусусан, табиий маданиятни** ошириш, **соғлом овқатланиш, кунлик юриш ва югуришни тарғиб қилиш**; “**яшил транспортда**”, шу жумладан, **велосипеда** харақатланишни рағбатлантириш; **пластик маҳсулотлардан** фойдаланишни камайтириш;

озик-овқат исрофгарчилигининг олдини олиш;

сув, газ ва электр энергияси ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

чиқиндиларни турларига қараб саралашни йўлга қўйиш;

б) табиётининг бирламчи бўғинида қуйидагиларни назарда тутувчи **трансформация босқичма-босқич** амалга оширилсин:

оилавий поликлиникалар, оилавий шифо-корлик пунктлари ва маҳалла табиёт пунктларида аҳолига бирламчи табиий-санитария ёрдамини кўрсатишининг самарали тизимини жорий этиш;

кўп тармоқли марказий поликлиникалар фаолиятини марказий шифохоналарнинг мас-лаҳат диагностика поликлиникаси сифатида йўлга қўйиш;

марказлашган лабораториялар ташкил этиш, шифофор қабулига навбатни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, шунингдек, давлат томонидан санитария-гигиена нормаларида рияоз этилиши устидан назорат кучайтирилган ҳолда стоматология хизматини аутсорсинг асо-сида хусусий секторга бериш;

табиёт ҳодимларининг малакасини ошириш, табиёт ҳодимлари меҳнат самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиб, самарадорликка эришган ҳодимларнинг ойлнк маошларига қўшимча устамани жорий этиш;

вилоят даражасидаги ихтисослаштирилган табиий ёрдам кўрсатувчи табиёт муассасаларини зарур ўрин-жойларни (*койка*) яратган ҳолда бошқарув, молия ва ташкилий жиҳатдан замонавий **кўп тармоқли клиникалар шаклида** ташкил қилиш этиш;

в) инсон салохиятини юксалтириш, таълим учун қўлай муҳит яратиш ишларини ташкил этиш мақсадида **2025/2026 ўқув йилидан**:

Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетети **экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши** каби таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича етакчи олий таълим ташкилотини этиб белгилансин;

Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университететида “**циркуляр иқтисодиёт**” таълим йўналишида **кадрлар тайёрлаш** амалиёти йўлга қўйилсин;

Қорақалпоғистон Республикасини, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университететида бириктирилган “**яшил техникумлар**” фаолияти йўлга қўйилсин;

табиий фанлар, муҳандислик-техника, иқтисодиёт ва молия йўналишларидаги давлат олий таълим ташкилотларида “**Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил ривожланиш**” фани ва ўқув дастурлари киритилиши;

олий таълимда **грант ўрнатиларини** босқичма-босқич ошириш ҳисобига **аниқ ва табиий фанлар, муҳандислик-техника, хизматлар, табиёт** каби соҳаларда давлат буюртмаси **25 мингтага** етказилсин;

“**Эл-юрт умиди**” жамғармаси томонидан экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши таълим дастурлари асосида таълим олиш учун стипендия танловига **20 та** гача квота ажратиб борилин;

республиканинг ҳар бир туманида (шаҳрида) босқичма-босқич **инклюзив таълим талабаларига жавоб берадиган** камиди **биттадан умумтаълим мактаби** фаолияти ташкил этилсин;

“**Камбағалликдан фаровонлик сари**” дастури доирасида **3,5 минг камбағал оилалар** фарзандларини тайёрлаб, олий таълим ташкилотларига белгиланган тартибда **грант асосида** қабул қилиш ишлари ташкил этилсин;

г) 2025 йил 1 мартга қадар тўтри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишининг инсон саломатлигига фойдасини тарғиб қилишни кучайтириш дастури ишлаб чиқилсин;

д) 2025 йил 1 августга қадар озик-овқат хавфсизлигини соҳасида хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш, бошқариш ва мониторинг қилиш мақсадида идоралараро ахлит Миллий ахборот платформаси ишлаб чиқилсин.

Мазкур банднинг сўзсиз, сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлашга масъуллар этиб тегишсина соғлиқни сақлаш вазири **А.Худайров**, спорт вазири **А.Икрамов**, камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазири **Б.Закидов**, олий таълим, фан ва инновациялар вазири **К.Шарипов**, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришини вазири **А.Абдухакимов**, қишлоқ хўжалиги вазири **И.Абдурахмонов** белгилансин.

7. Қуйидагилар:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худайров, Э.Адилов) 2025 йил 1 июлга қадар табиёт ва фармацевтика ҳодимлари фаолиятини босқичма-босқич давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини аниқ механизмларни назарда тутган ҳолда жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин;

Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худайров, Э.Адилов) билан биргаликда 2025 йил 1 ноябрга қадар табиёт сўгурта механизми

жорий қилинаётган ҳудудларда рецепт асосида бериладиган дори воситаларини “**электрон рецепт**” тизими асосида тайинлаш амалиётини йўлга қўйсн.

8. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов) ва Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) 2025 йил 1 июнга қадар “**Бир миллион яшил оила**” умумийлиий ҳаракати доирасида қуйидагиларни назарда тутувчи платформани ишга туширсин:

экологик таъминллари ўзининг кундалик ҳаётига жорий этишда юқори кўрсаткичларга эришганларга “**Экофаол фуқаро**” макомини бериш ҳамда улар учун давлат хизматларидан фойдаланишда **10 фоиз** чегирма ва давлат улуши **50 фоиздан юқори** бўлган банкларда истеъмо-л кредитини олишда чегирма тақдим этиш;

оиланинг барча вояга етган аъзолари “**Экофаол фуқаро**” макомини олганда, ушбу оиллага “**яшил оила**” макомини бериш ҳамда уларга ҳар йили очик танлов орқали **14 та электро-мобиль** бериш;

аҳолисининг ярми “**яшил оила**” макомини олган маҳаллаларда “**Энг тоза маҳалла**” ва “**Энг яшил маҳалла**” танловларини ўтказиш ва ғолиб бўлган маҳаллалар жамғармасига маҳалла аҳолисининг тақлифларини ўрганган ҳолда маҳалланинг ички инфратузилмасини янада яхшилаш тадбирларини молиялаштиришга, хусусан, йўлларни таъмирлаш, энерготежамкор ёритиш ускуналарини ўрнатиш, боғлар майдончасини қуриш, “**яшил боғ**” яратиш ва ўрндиқлар ўрнатиш, **чиқинди йиғиш майдончаларини** қуриш, **чиқинди қутилари** ва **контейнерларини** ўрнатишга **500 миллион сўм** ажратиш.

Мазкур банднинг сўзсиз, сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлашга масъуллар этиб тегишсина экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришини вазири **А.Абдухакимов**, рақамли технологиялар вазири **Ш.Шерматов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

9. Аҳоли, айниқса, ёш авлод вакиллари томонидан санитария-гигиена воситаларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида **2025 йил 1 майдан бошлаб** қуйидагиларни назарда тутувчи “**Тоза қўллар**” дастури амалга оширилсин ва аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш ишлари ташкил этилсин:

а) барча соғлиқни сақлаш ва таълим муассасаларида:

кўл ювиш жойларини зарур санитария-гигиена воситалари билан таъминлаш;

санитария-гигиена хоналарининг **техник ҳолатини яхшилаш**, янги қурилаётган муассасаларда уларни **бинонинг ички қисмида** жойлаштириш;

йил давомида **биринчи навбатда қўл ювиш ва антисептик воситаларни** харид қилиш назарда тутиш;

б) барча турдаги жамоат санитария-гигиена хоналари, умумий овқатланиш ташкилотларини **санитария-гигиена воситалари билан** таъминлаш мажбуриятини киритиш.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норкулов) биринчи даражали маблағ тақсимловчиларнинг асосланган ҳисоб-китобларига қўра 2025 йил давомида бюджет ташкилотларида мазкур банддаги тадбирлар учун зарур бўлган ҳолларда **қўшимча маблағлар** ажратсин.

Санитария-эпидемиология оойсиёшталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси (Б.Юсупалиев) **а) ой мuddатда** ушбу бандида назарда тутилган муассасаларда санитария-гигиена ҳолатини сақлаш учун воситалар ажратиш бўйича нормативларни қайта кўриб чиқсин ва уларнинг амалда бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худайров), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О.Фозилкаримов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Ш.Хидоятлов) билан биргаликда **2025 йил 1 августга қадар** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро экспертларни жалб этган ҳолда республиканинг барча ижтимоий соҳа муассасаларида, шу жумладан, умумий овқатланиш нуқталари ва вилоятлараро автомобиль йўллари бўйидаги санитария-гигиена нуқталарида санитария-гигиена тизимини яхшилаш бўйича дастурни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Озик-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш тизимини кучайтириш ва бу борада **санитария қондаларини** ишлаб чиқиб, **метёрларни** юқори стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида:

2025 йил 1 июлга қадар Санитария-эпидемиология оойсиёшталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг **лабораторияларини** озик-овқат маҳсулотлари таркибидидаги **трансёлари аниқлаш** учун зарур жиҳозлар билан таъминлаш чоралари қўрилсин;

2025 йил 1 августга қадар озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда трансёлардан фойдаланишининг чекланган миқдорларини белгилаш бўйича **санитария қондалари** ва **метёрлари** Жаҳон савдо ташкилоти талаблари вазири **А.Абдухакимов**, қишлоқ хўжалиги вазири **И.Абдурахмонов** белгилансин.

12. 2025 йилда **табиий ресурсларни** тежаш ва улардан **оқилона** фойдаланиш, **экологик барқарорлиқни** таъминлаш борасида:

1 **миг километр** каналларни бетон қопламага ўтказиб, сув тежовчи технологиялар қамровини **1,6 миллион гектарга** етказиш ҳисобига йилга қўшимча **2,5 миллиард метр куб** сувни тежашга эришилиши;

насос станцияларида **эскирган насос ва электр двигателларни замонавий энергия тежамкорлигига алмаштириш**, сув ресурслари **ҳисобини таъминлаштириш** орқали насос станцияларининг электр энергия истеъмоли **300 млн кВтгача** камайтирилиши; ирригация ва мелиорация тизимлари объектларини қуриш ва реконструкция қилиш орқали **390 минг** гектар қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг электр энергия истеъмоли **300 млн кВтгача** камайтирилиши; сарфланаётган сувнинг **ҳисоби ва ҳисоботи тўлиқ юритилишини** таъминлаш мақсадида магистрал каналлар ва муҳим сув объектларида сувнинг **ягона ойнай ҳисобини** юритиш тизими жорий этилиши;

1,8 **миг километр** ичимлик ва оқова сув тармоқлари, **77 та** ичимлик ва оқова сув ишоотлари қурилиши ҳамда реконструкция қилиниши;

ичимлик сув тизимида маънан эскирган **746 та** насос ускуналари энергия тежамкорлигига алмаштирилиши, ҳудудларда **65,2 мегаватт** қувватга эга қуёш панеллари ўрнатилиши, сув ишоотлари ва магистрал сув тармоқларига **955 та** замонавий сув **ҳисоблагичлар** ўрнатилиши;

барча ичимлик сув таъминоти корхоналарида **сифат мониторингини** юритиш ва маълумотларни бошқариш марказлари яратилиши; дарёлар, қўллар ва каналларга **турли инф-лосантатуривчи моддалар ташланшини устидан назорат кучайтирилиши** таъминлансин.

Мазкур банднинг сўзсиз, сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлашга масъуллар этиб тегишсина сув хўжалиги вазири **Ш.Хамраев**, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири **Ш.Хидоятлов**, энергетика вазири **Ж.Мирзамахмудов**, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришини вазири **А.Абдухакимов** белгилансин.

13. Кенг жамоатчилик, халқаро ва маҳаллий экофаоллар, Ўзбекистон экологик партияси ва Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тақлифини инобатга олган ҳолда:

а) 2025 йил 1 майдан бошлаб Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида қуйидаги йўналишларда олий лойиҳаларни амалга ошириш **таққиклансин**:

асбест, цемент ишлаб чиқариш, шлам ва шлақлар;

тери-қўнчилик, паррандачилик фабрикалари; самарадорлиги юқори бўлган чанг-газ тозалаш ишоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиш;

қора ва рангли металлургия заводлари, таркибда заҳарли аралашмалар бўлган ойна, заҳарли қимёвий моддалар билан чанг-газ тозалаш ишоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиш;

қора ва рангли металлургия заводлари, таркибда заҳарли аралашмалар бўлган ойна, заҳарли қимёвий моддалар билан чанг-газ тозалаш ишоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиш;

қора ва рангли металлургия заводлари, таркибда заҳарли аралашмалар бўлган ойна, заҳарли қимёвий моддалар билан чанг-газ тозалаш ишоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиш;

қора ва рангли металлургия заводлари, таркибда заҳарли аралашмалар бўлган ойна, заҳарли қимёвий моддалар билан чанг-газ тозалаш ишоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиш;

қора ва рангли металлургия заводлари, таркибда заҳарли аралашмалар бўлган ойна, заҳарли қимёвий моддалар билан чанг-газ тозалаш ишоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиш;

қора ва рангли металлургия заводлари, таркибда заҳарли аралашмалар бўлган ойна, заҳарли қимёвий моддалар билан чанг-газ тозалаш ишоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиш;

қора ва рангли металлургия заводлари, таркибда заҳарли аралашмалар бўлган ойна, заҳарли қимёвий моддалар билан чанг-газ тозалаш ишоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиш;

қора ва рангли металлургия заводлари, таркибда заҳарли аралашмалар бўлган ойна, заҳарли қимёвий моддалар билан чанг-газ тозалаш ишоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиш;

қора ва рангли металлургия заводлари, таркибда заҳарли аралашмалар бўлган ойна, заҳарли қимёвий моддалар билан чанг-газ тозалаш ишоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиш;

қора ва рангли металлургия заводлари, таркибда заҳарли аралашмалар бўлган ойна, заҳарли қимёвий моддалар билан чанг-газ тозалаш ишоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиш;

қора ва рангли металлургия заводлари, таркибда заҳарли аралашмалар бўлган ойна, заҳарли қимёвий моддалар билан чанг-газ тозалаш ишоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиш;

Муносабат



Биринчидан, давлатимиз раҳбарининг Малайзия Бош вазири тақлифига биноан ушбу мамлакатга сафари сўнгги 20 йилдаги илк расмий ташриф бўлди.

Иккинчидан, ташриф самимий руҳда ўтди. Ташриф тафсилотларини кузатга туриб, бунга тўлиқ амин бўлдик. Яъни Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим Президентимиз Шавкат Мирзиёевга бутун кун давомида, барча расмий тadbир ва учрашувларда ҳамроҳлик қилди.

Президентимизни кутиб олишга Малайзия парламенти спикери чиққани ҳам ушбу мамлакат протокол амалиётида илгари кузатилмаган воқеа бўлди. Бу жиҳатлар шуниси билан аҳамиятликки, мезбонларнинг бу қадар самимияти, қатъий протокол қоидаларидан чекиниб,

юксак ҳурмат ва ишонч намоиши этгани, албатта, уларнинг Ўзбекистонга юксак эҳтироми, Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мақсади қатъийлигининг ёрқин намунасидир.

Учинчидан, Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган самарали музокаралар якунида давлатларимиз ўртасида Стратегик шериклик йўлида икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма баёнот, шунингдек, саноат, қурилиш, божхона, таълим, тиббиёт, маданият каби қатор йўналишлар бўйича муҳим ҳужжатлар имзоланди. 5 миллиард долларлик савдо-иқтисодий келишувларга эришилди. Ўз навбатида, ташриф давомида эришилган ушбу натижалар яқин истиқболда Ўзбекистон — Малайзия ҳамкорлигини

стратегик шериклик даражасига олиб чиқишга замин яратиши билан аҳамиятлидир.

Тўртинчидан, Малайзиянинг географик жойлашуви Ўзбекистон учун катта бозорга йўл очади. Яъни Малай ярим оролидаги ушбу давлат орқали мамлакатимиз нафақат Малайзия, балки бутун Осиё-Тинч океани минтақасининг улкан бозорларига чиқиш имкониятига эга бўлади. Бугунги мураккаб геосиёсий ва геоиқтисодий оғир бир вазиятда янги ҳамкорлар топиш, янги бозорларга йўл очишининг аҳамиятини ортиқча изоҳлашга ҳоҷат йўқ.

Мазкур ташрифнинг яна қатор муҳим жиҳатлари борки, қуйида бир гуруҳ масъуллар ва жамоатчилик фаолларининг бу борадаги фикрлари билан танишишингиз мумкин.

МАЛАЙЗИЯДАГИ МУЗЕЙ ҚУРИЛИШИДА ФАХР БИЛАН ИШЛАГАНМИЗ



Бахтиёр БОБОМУРОВОВ,
ганчкор уста, реставратор

Президентимиз Малайзиядаги Ислом санъати музейига борганини кўриб, тўғриси, кўзимга ёш келди. Негаки чорак аср илгари ўша музейни безаш ишларида қатнашган ўзбекистонлик усталар орасида мен ҳам бор эдим.

У ёқда бажарган ишларимизнинг эскизлари ўзимизда тайёрланган, албатта. Музейга кўрк бериб турган Бибиҳоним, Масжиди калон, Оқсарой тарихий обидалари макетини Тошкент архитектура-қурилиш институти ўқитувчиси Қобилжон Мухаммеджонов тайёрлаб берган.

Аънавий ислом меъморчилиги услубидаги музей қурилишига бошқа кўплаб мусулмон давлатларидан ҳам усталар таклиф этилган. Кошин бузиш, мозаика ишларини эронлик усталар қилган бўлса, бино гумбазли ички қисmini безаш ва реставрацияси биз, ўзбекистонлик усталарга топширилган эди.

У ёқда бажарган ишларимизнинг эскизлари ўзимизда тайёрланган, албатта. Музейга кўрк бериб турган Бибиҳоним, Масжиди калон, Оқсарой тарихий обидалари макетини Тошкент архитектура-қурилиш институти ўқитувчиси Қобилжон Мухаммеджонов тайёрлаб берган.

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” ВА “МАЛАЙЗИЯ МАДАНИ” СТРАТЕГИК ДАСТУРЛАРИ ЎЗАРО УЙҒУНДИР

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида стратегик шерикликни шакллантиришга қаратилган яқин ва кўп қиррали ҳамкорлик ривожланиб бормоқда.



Фотиҳжон ҚОДИРОВ,
“Тараққиёт стратегияси” маркази
бош мутахассиси

Эътиборга молик жиҳати шундаки, ҳар икки давлатнинг тараққиёт ва модернизацияга қаратилган стратегик дастурлари — “Ўзбекистон — 2030” ва “Малайзия Мадани” мақсад ва вазифалари жиҳатидан ўзаро уйғун.

Иккала стратегиянинг устувор йўналишлари ҳам кўп жиҳатдан бир-бирига тўғри келади. Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шaroитларни яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш, “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” таъмилига асосланган сиёсатни изчил давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўз навбатида, “Малайзия Мадани” стратегиясида таълим, иқтисодиёт, молия тизимини ривожлантириш, давлат институтлари ва қонунчилик базасини тақомиллаштириш, шунингдек, жамият ва маданий алоқаларини

мустаҳкамлашга қаратилган чоралар кўзда тутилган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси қуйидаги муҳим мақсад ва кўрсаткичларни ўз ичига олади: даромади ўртачадан юқори давлатлар қаторидан ўрин олиш, бошқарув лавозимларидаги хотин-қизлар улушини 30 фоизга ошириш, ишсизлик даражасини 7 фоизга тушириш, Коррупцияни қабул қилиш индексида камида 50 поғона кўтарилишига эришиш, “Янги Ўзбекистон — рақобатбардosh махсулотлар юрти” гоёси асосида миллий экспортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, глобал инновация индексида топ-50 талик мамлакатлар рўйхатидаги кириш ва бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 3 фоиз даражасида бўлишини таъминлаш.

“Малайзия Мадани” стратегияси эса Малайзияни дунёдаги топ-30 та иқтисодий ривожланган давлат рўйхатида киритиш, аёллар иштирокини меҳнат бозориди 60 фоизга етказиш, меҳнатқашлар даромадини 45 фоиз ошириш, Коррупцияни қабул қилиш индексида камида 25-поғонага кўтарилишига эришиш,

глобал рақобатдошлик индексида 12 та етакчи мамлакат орасига кириш ва аҳолига қулай иқтисодий шарoит яратишни мақсад қилади.

Шу билан бирга, ҳар икки мамлакатда миллий стратегияларни амалга оширишни мустақил мониторинг қилиш тизими йўлга қўйилган. Масалан, Ўзбекистонда “Тараққиёт стратегияси” маркази айни йўналишда ишламоқда, унинг вазифаларига “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурлари ижросини самарали жамоат назорати орқали таъминлаш қиради.

Малайзияда “Малайзия Мадани” стратегиясининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш, шунингдек, сиёсий тавсиялар бериш фаолиятини Мадани тадқиқот маркази амалга оширмоқда. Мазкур ташкилот стратегиянинг амалга оширилиш жараёни ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришга ҳам масъул.

Умуман, стратегияларимизнинг муҳим ўхшашлиги шундаки, иккала дастур ҳам мамлакатларимиз барқарор ривожланишига қаратилган.

ИККИ ХАЛҚНИНГ ЎЗАРО ЮКСАК ҲУРМАТИ ИФОДАСИ

Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги дўстлик, шериклик муносабатлари бугун янги босқичга кўтарилди. Бун Президентимизнинг шу йил 4-5 февраль кунлари ушбу мамлакатга ташрифининг нақадар самимий ўтганидан ҳам билиш мумкин. Куала-Лумпур шаҳридаги “Пердана Путра” ҳукумат мажмуасида расмий кутиб олиш маросими, Малайзия Ислом санъати музейига ташриф, қатор учрашувларнинг барчасида давлатимиз раҳбари ва халқимизга кўрсатилган юксак эҳтиромнинг гувоҳи бўлди.

Энг қувонарлики, етакчилар фаол маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш муҳимлигини таъкидлади. Жорий йилда Ўзбекистон ва Малайзияда маданият ҳафталиклари ўтказиладиган бўлди.

Айниқса, Президентимизнинг Малайзия Ислом санъати музейига ташрифи, у ерда илгари сурилган ташаббус ва тақлифлар бизни ҳаяжонга солди. Малайзиянинг энг йирик маданият муассасаси ҳисобланадиган ушбу музейда ислом санъати 10 мингдан ортиқ намунаси сақланмоқда. Унинг фондига замонавий Ўзбекистон ҳудудиди турли тарихий даврларда яратилган 200 та яқин ноёб экспонат алоҳида ўрин эгаллайди. Улар орасида ўрта асрларга оид қўлёзмалар, заргарлик буюмлари, машҳур абр матолари ва кийим намуналари, Шарқ Ренессансига оид кулполичлик буюмлари мавжуд.

Давлатимиз раҳбари музейнинг ноёб экспонатларини Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказида намоиш этиш тақлифини билдирди. Музей директори жаноб Саид Мухаммад Бухорий тақлифни мамнуният билан қарши олишини ва бу вазифани бажариш у ҳамда музей жамоаси учун шараф эканини таъкидлади.

Шу ўринда ташрифдан сўнг Саид Мухаммад Бухорий Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказида мутасаддилар билан учрашуви чоғида айтган қуйидаги фикрларни



Изат ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистондаги ислом
цивилизацияси маркази
илмий ходими

келтирсак, фикримизнинг моҳияти янада ойдинлашди деб ўйлаймиз:

— Ўзбекистон ҳақиқий цивилизация марказидир. Сизларда маданиятга оид кўплаб жиҳатлар борки, биз улардан ўрнак олишимиз мумкин. Ўзбекистон Президентининг Малайзияга ташрифи маданий алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси, у киши тарихни чуқур билади, бу маданиятни юксак қадрлайди. Шу боис, юртингизда маданиятни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мен Ўзбекистон раҳбарининг ташаббус ва фикрларига тўлиқ қўшиламан. Ўзбекистон бошқа мамлакатлар учун ҳам ўрнак бўлиши мумкин, чунки сизларда амалга оширилаётган ислохотлар юксак баҳога лойиқ.

Ҳа, давлатимиз раҳбари ва халқимизга бўлган бундай самимий муносабат Ўзбекистон ва Малайзия халқларининг ўзаро юксак ҳурмати, икки томонлама муносабатларнинг порлоқ истиқболдан далolat беради.

“ҲАЛОЛ” СТАНДАРТИ АСОСИДА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Президентимизнинг Малайзияга ташрифи доирасида давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга қаратилган кўплаб муҳим ҳужжатлар, жумладан, Махсулотларнинг “ҳалол” стандартларига мувофиқлигини баҳолаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳам қабул қилинди.

Бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида “ҳалол” стандарти асосида махсулотларни сертифицилаштириш тартиботамойиллари мавжуд. Бунда асосий эътибор махсулот ва хизматлар сифатини оширишга қаратилди ва шу орқали жаҳон бозорларига тўсиқсиз кириб бориш имконияти яратилди.

Шу боис, Малайзия билан имзоланган битим муҳим аҳамиятга эга эканини, қолаверса, юртимизда бу борада салмоқли ишлар қилинаётганини таъкидлаш ўрнили.

2025 йил 1 февралда Вазирлар Маҳкамасининг “Махсулот ва хизматларни “ҳалол” талабларига мувофиқ сертифицилаштириш тартиботўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилингани мазкур йўналишнинг биз учун нақадар муҳим эканини аналтади.

Зеро, қарор билан “ҳалол” белгиси асосида махсулотлар ва хизматларни сертифицилаштириш тартиботўғрисидаги низом тасдиқланди. Мазкур низом махсулот ва хизматларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган “ҳалол” талаблари асосида ихтиёрий сертифицилаштириш тартиботини белгилайди. Бу, ўз навбатида, тадбиркорларга қулай шaroитлар яратиб, махсулотларнинг экспорт географиясини кенгайтириш ҳамда зиёрат туризмни ривожлантиришга замин яратади. Чунки махсулотларни “Organic”, “Global G.A.P.” каби “ҳалол” стандартлар асосида сертифицилаштириш харидорларни кўпайтиради.



Абдурауф РАСУЛОВ,
Ўзбекистон техник жиҳатдан
тартибга солиш агентлиги Ахборот
хизмати раҳбари

Бозор иқтисодиёти шарoитида махсулот сифатини баҳолашда аънавий усуллар билан бирга махсулотнинг сифат кўрсаткичлари ва хавфсизлик жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади, бошқача айтганда, халқаро стандартлар жорий этилмоқда.

“Ҳалол” соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Малайзия Ислом тараққиёти департаменти (IAKIM) ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ўртасида Ҳалол мувофиқлиқни баҳолаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида аниқлашув меморандуми имзоланди.

Бундан кўзланган асосий мақсад “ҳалол” белгиси остидаги махсулотлар ва хизматларни сертифицилаштириш тартиботини жорий этиш орқали маҳаллий махсулотларнинг жаҳон бозорига тўсиқларсиз кириб боришига шарoит яратишдан иборат.

ЙЎЛИМИЗ ОЛИС, ИРОДАМИЗ МУСТАҲКАМ, НИЯТИМИЗ ПОК

Дўстлик инсонларни, шунингдек, давлатларни ҳам бир-бирига bogʻлайдиган, доим эзгуликка қорлайдиган буюк ғазилат. Ўзбекистон ва Малайзияни ҳам азалдан тарихий, аънавий дўстлик ришталари, дин муштарақлиги, урф-одат ва маданий қадриятлар ўхшашлиги каби умумий жиҳатлар bogʻлаб туради.

Мамлакатларимиз географик жиҳатдан бир-биридан олис бўлишига қарамай, транспорт ва лoгистика имкониятлари кенгайиб бормоқда. Пойтахтлар ўртасида деярли ҳар кунни тўғридан тўғри авиакатновлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда сиёсий мулоқот ва парламентларо алоқалар фаоллашди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳамда, қўшма корхоналар ва авиакатновлар соҳи ошмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4-5 февраль кунлари ушбу давлатга расмий ташрифи жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Зеро, ташриф доирасида қатор муҳим келишувларга эришилди. Савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги амалий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, икки давлат ўртасида қатор йўналишлар бўйича муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон — Малайзия маданий-гуманитар алоқалари икки халқнинг аънавлари, урф-одатлари ва маънавий қадриятларини бирлаштирган ўзига хос кўприқдир. Ўзаро ҳурмат ва маданий-маънавий меросини асраб-авайлаш истагига асосланган бундай яқин шериклик мамлакатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашнинг муҳим мезонига айланиб бормоқда. Муштарақ тарихий ва маданий ўхшашликлар таълим, санъат, илм-фан, туризм каби соҳаларда тажриба алмашиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ҳамжиҳатлиқни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратяпти. Хусусан, таълим ва тиббиёт муассасалари, ислом



Комила КАРОМОВА,
сенатор

цивилизациясининг бой меросини ўрганиш марказлари ўртасидаги самарали ҳамкорлик муттасил кенгайиб, икки мамлакат аҳолиси учун янги имкониятлар очмоқда.

Ташриф доирасида ўтказилган “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда олий таълим соҳасидаги имкониятлар ва ташаббуслар” мавзусидаги биринчи Ўзбекистон — Малайзия таълим форумининг аҳамияти шундаки, энди олий таълим муассасаларимиз ўртасида алоқалар янада кенгайди.

— Мақсадимиз — муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш, — деди Президентимиз. Яна айтдики, йўлимиз олис, иродамиз мустаҳкам, ниятимиз пок! Демак, яқин истиқболда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кескин ривожланиб, бунинг самараси мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларида муҳим аҳамият касб этишига ишонамиз.

Туризм соҳасидаги фаолиятни самарали ва тизимли бошқариш

Бугун мамлакатимизда янги давр — сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар жараёни кечмоқда. Миллий иқтисодиётимизнинг асосий бўғинларидан бирига айланиб бораётган туризм соҳасида ҳам мавжуд имкониятларни ишга солган ҳолда қатор муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда.



Умид ШОДИЕВ,
Туризм қўмитаси раиси

Юртимиз довруғини ёйишда замонавий бунёкорлик ишлари, сайёҳлик манзилларини қўпайтириш каби жиҳатлар мавжуд. Бугун ушбу йўналиш янги ривожланиш босқичига ўтати.

Туризм хизмат кўрсатиш соҳасини рағбатлантиришда ҳам шу орқали аэропортлар, вокзаллар, умуман, транспорт тизими, меҳмонхоналар, хостеллар, оилавий меҳмон уйлари, шунингдек, умумий овқатланиш, савдо, ҳунармандчилик, маданият ва санъат соҳалари ривожланишининг асосий омилларидан биридир. Шу сабабли мамлакатимизда туризмни янги босқичга кўтаришда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда туризм соҳасидаги қонун ҳужжатларини ўз мuddатида ҳамда сифатли ижро этиш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармонида мамлакатимизда ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг шароит яратиш орқали сайёҳлар сонини ошириш, ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб берилган.

Давлатимиз раҳбари бошчилигидаги кенг қўлмали ислохотлар натижасида 2024 йилда 10,1 миллион хорижий сайёҳ туризм ва бошқа мақсадда юртимизга келди. Кўрсатилган туризм хизматлари экспорти 3,5 миллиард долларни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич ундан олдинги йилга нисбатан 1,5 баробар ўсди. Бу борада Европа, узоқ хорик ҳамда қўшни давлатлардан кириб келувчи сайёҳларнинг мамлакатимиздаги ўртача харажати 2022 йилга нисбатан 1,5 баробар ошганини алоҳида қайд этиш зарур.

Президентимиз топиририга асосан, мақсадли хорижий давлатлардан сайёҳлар оқими-ни сезиларли оширишга эришилди. Жумладан, Европа ва узоқ давлатлардан келувчи сайёҳлар сони 5 фоиздан 7 фоизга ортди.

Қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — муваффақият калити

Жамиятимизда кечаётган ислохотлар самарасини халқимизнинг ўз ҳаётида ҳис этишида ижро интизоми муҳим омилдир. Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини қучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ўзбекистон” ижро интизоми идораларро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори давлат органлари ва ташкилотлари иш самарадорлигини таъминлаш ҳамда қатъий интизом ўрнатишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжатлар ижро тизимини самарали ташкил этиш ва таҳлил қилиш, тармоқ ва ҳудудий ривожланиш дастурларида белгиланган вазифаларни сўзсиз таъминлаш бўйича масъул раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини қучайтиришга қаратилган билан аҳамиятли.

Ўтган даврда Туризм қўмитаси зиммасига “Ўзбекистон” тизимида 551 та қонун, фармон, қарор ва баёнларда 4803 та топириқлардан, бугунга қадар ушбу топириқлардан 89,9 фоизи бажарилган, қолганини назоратдан олиш чоралари қўрилмоқда.

Хусусан, 2024 йилда тизимда жами 1185 та топириқ юкланган бўлиб, ушбу топириқларнинг барчаси ўз вақтида тўлиқ назоратдан олиниши таъминланди.

Белгиланган топириқлар ижросини таъминлаш мақсадида қўмитада “қунбай” ва “соатбай” назорат тизими ўрнатилган.

Ҳодимлар масъулиятини янада ошириш, топириқлар бажарилишида хато ва камчиликларнинг олдини олиш бўйича зарур ташкилий ишлар бажарилмоқда.

2024 йилда қўмита томонидан ишлаб чиқилган 22 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат (шундан 3 таси Президент фармони, 8 таси Президент қарори ва 11 таси ҳукумат қарори) белгиланган тартибда тасдиқланди.

“Ишни жамоа бажаради, масъулият эса шахсий!” тамойилига асосан доимий тарзда иқтисодий ўқиш ва семинар-тренинглр ташкил этиб борилмоқда. Ўтган йили Ҳисоб палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳамкор ташкилотлар масъулларини жалб қилган ҳолда соҳада фаолият юритаётган ҳодимларнинг билим савияси ҳамда қўнқимасини ошириш юзасидан 10 та иқтисодий ўқув ташкил этилди. Бунда асосий эътибор мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизоми жойига қўйиш, раҳбар ва ҳодимларнинг дунёқарашини ўзгариштиришга қаратилмоқда.

Натижада давлат раҳбари топириқлари ижросини таъминлаш доирасидаги “қунбай” календарь графиклар ҳамда йўл хариталарини янада пухта ишлаб чиқиш, топириқларни тўлақонли бажариш бўйича механизмлар тўлиқ қамраб олиниши, ҳодимларнинг шахсий масъулиятини янада ошиши, соҳага оид янги тақлиф ва ташаббусларни сифатли тайёрлаш ҳамда аниқ мақсадга эришишдаги камчиликлар бартараф этилиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари маблаг, мuddат ва сифат томонлама пухта ишлаб чиқиши, “Ўзбекистон” тизимига кириштилаётган маълумотларда қилинган ишлар юзасидан тўлиқ ва сифатли ахборот киритилишига эришилмоқда.

Кўзланган манзилга етакловчи йўл

Туризм қўмитаси томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда “Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат қил” дастури доирасида республика бўйлаб корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган ҳодимлар ҳамда маҳалла-лардаги аҳолининг сайёҳатини ташкил этиш бўйича режа жадваллари ишлаб чиқилди.

2024 йилда ҳудудлар бўйлаб 22,7 миллион кишининг сайёҳати уюштирилди. Шу билан бирга, мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва эркинликлар, халқ манфаатларига қаратилган сиёсатнинг устуворлигини таъминлашда ижтимоий қўмак сифатида имконияти чекланган 18,1 мингта яқин шахс ва 6,3 миллион ёшнинг сайёҳати ташкил этилди.

Бундан ташқари, қўйидаги муҳим жараёнлар ҳам амалга оширилди.

Биринчидан, қўмита томонидан аҳолини, маҳаллий туристларни юртимиз тарихи, бой маданий мероси, тарихий қадимжолар, сўлим табиятнинг жозибадорлиги билан таништириш, аҳоли кенг қамламининг тизимли сайёҳатини уюштириш мақсадида республикадаги туристик компаниялар билан ҳамкорликда “Маҳалла”, “Ёшлар”, “Нуронийлар”, “Хотин-қизлар”, “Оилавий сайёҳатлар” ва “Меҳнат” жамоаларининг диққатга сазовор жойларга сайёҳати ташкил этилди.

Иккинчидан, қўмита томонидан аҳолини сайёҳатга жалб этиш борасида турли даражадаги туризм тадбирлари ўтказилмоқда. Улар орасида халқаро даражадаги тадбирлар ҳамда туризм ярмаркаларига алоҳида эътибор қаратилди.

“2024 йилда республикада ўтказиладиган маданий-қўнқилочар ва оммавий спорт тадбирларининг ягона тақвим режаси” тасдиқланди ва йил давомида 46 та халқаро ва 81 та маҳаллий миқёсдаги тадбир ўтказилди.

2024 йилнинг март, август ва сентябрь ойларда илк мартаба барча ҳудудларда “Ички туризм ярмаркалари” ташкил этилди. Тадбир-га ички туризм йўналишидаги 1700 га яқин тадбиркорлик субъекти, 18 мингдан ортиқ иштирокчи жалб қилинди. Ярмарка доирасида ички сайёҳат ташкил этиш билан боғлиқ 1300 дан зиёд шартнома ва битим имзоланди.

Шунингдек, йил давомида 20 дан ортиқ давлатдан 100 дан зиёд хорижий ОАВ вакиллари, блогерлар ва инфлюенсерлар учун Ўзбекистон бўйлаб 26 та инфо ва пресс-тур ташкил қилинди.

Эришилган ютуқлар натижасида Бутунжа-ҳар туризм ташкилоти Ўзбекистонни туризм хизматларидан тушган тушумлар (экспорт) бўйича дунё бўйлаб “иккинчи энг яхши йўналиш” сифатида кўрсатди.

Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган “Саёҳат ва туризмни ривожлантириш индекси” тадқиқотиға кўра, Ўзбекистон 2024 йилда “Туризмни ривожлантириш бўйича дунёнинг энг фаол мамлакатини” деб топилди. Бу эътироф мамлакатимизда халқаро сайёҳлар-ни жалб қилиш ва барқарор туризмни ривож-лантиришга эътибор қучайиб бораётганини билдиради.

Лондонда бўлиб ўтган маросимда Ўзбекистон нуфузли “Wanderlust Reader Travel Awards 2024” мукофотининг “Энг яхши ривожланаётган йўналиш” номинациясидада го-либ бўлди.

1993 йилда ташкил этилган “Wanderlust” журнали Буюк Британиядаги аҳоли учун 1-ра-қамли сайёҳат журналидир. Журнал йилгига деярли 140 минг нускада 10 та сон чиқаради ва веб-сайти ҳар ой 1,2 миллион фойдаланувчини жалб қилади.

Россиянинг “Russian traveler” журнали томонидан ўтказилган миллий туризм мукофоти та-лови натижасига кўра, 2024 йилда “Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида энг яхши сайёҳат йўналиши” деб топилди.



Россиялик экспертлар таҳлиliga асосан, Янги йил сайёҳати учун авиачипта брон қилган россияликлар сони бўйича Ўзбекистон Туркия-ни ортда қолдириб, иккинчи энг машҳур йўна-лиш бўлди. Бунда авиачипталарга талаб 2023 йилга нисбатан 126 фоиз ошди.

“Trip.com” халқаро онлайн сайёҳлик плат-формаси томонидан Абу-Даби шаҳрида ўт-казилган “Глобал Травел” форумида Туризм қўмитаси “Энг яхши ҳамкор” ва “Энг яхши туризм макони” номинацияларида голиб деб топилди.

“Trip.com Group Limited” Хитойнинг энг йирик сайёҳлик компанияси. Унинг онлайн платформалари жойлаштириш воситалари ва сайёҳатларни банд қилиш, транспорт чипталари-ни сотиб олиш, жамоавий сайёҳатларни таш-кил қилиш хизматларини тақдим этади. Мазкур компанияга тегишли онлайн платформалар 220 мамлакат бўйлаб 1,7 миллиондан ортиқ жой-лаштириш воситаси ва 600 дан зиёд авиакомпания-нинг рейсларини ўз ичига олган, дунёдаги онлайн сайёҳлик агентликларининг “катта тўрт-лиги” қаторига киради.

Натижалар — имкониятлар самараси

2024 йилда туризм соҳасида жами 2,8 миллиард долларлик 591 та йўналиш амалга оширилиб, 19 минг 428 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида “Azimut”, “Bentley”, “Bill Wyndham & Co”, Термиз шаҳ-рида 4 юлдузли “Hilton Garden Inn Tirmez Airtom”, Навоий шаҳрида “Dedeman Hotel”, Самарқанд туризм марказида “Hilton Samarkand Agency”, “Hilton Garden Inn Samarkand Sogd”, “Intercontinental” брендлари остида меҳмонхо-налар очилди.

Сайёҳлик салоҳияти юқори бўлган 20 та ту-ман ва шаҳар бўйича қиймати 50 миллион дол-ларлик инвестицияларни жалб қилиш юзасидан лойиҳа пакетлари ҳамда янги лойиҳаларнинг манзилли рўйхати шаклланди.

Туроператорларни экспортдоли қўллаб-қув-ватлаш мақсадида уларга айланма маблағни тўдйириш учун 50 миллион долларлик кредит 10 йил мuddатга, 2 йиллик имтиёзли давр билан ажратиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон туризм салоҳиятини Европа, Шимолий Америка, Осиё-Тинч океани, Яқин Шарқ, Хитой ва Марказий Осиё минтақала-рида кенг тарғиб қилиш мақсадида “World Media Group” ва “Blue Sky”, “Sky one”, “Wanderlust”, “Euronews”, “BBC”, “National Geographic”, “CNN”, “Travel Tomorrow”, “Warner Bros. Discovery”, “Saga Travel Group” халқаро медиакорпорациялари, шунингдек, “Ctrip.com”, “Holiday factory”, “Voyage Prive” онлайн сайёҳат платформаси каби қатор хори-жий ташкилот ва телевидениелар билан шарт-номалар асосида халқаро миқёсда мамлакатим-из имижни илгари сурилди. Дунёнинг етакчи 19 мамлакатда бўлиб ўтган 22 та халқаро ярмаркада Ўзбекистоннинг миллий туризм стенди билан иштирок этилди. 12 давлатда “Road show”, маданий ва тақдимот тадбирла-ри ўтказилди.

Япония, Германия, Хитой ва АҚШда Ўзбекистоннинг туризм бренди эълчилари ва ва-киллари тайинланди.

Инсон қадрини ва манфаати энг муҳим таянч

Туризм қўмитаси томонидан ички туризмни ривожлантириш, турли сайёҳатлар ташкил этиш-да, биринчи навбатда, аҳолининг қизиқиши ва имкониятлари ҳисобга олинмоқда. Бу борада “Энг асосийси — халқ манфаати”, “Инсон қадрини учун” каби шпорлар дастуриламал қи-либ олинган.

Бунинг ифодаси ўлароқ, қўмита томонидан ички туризмни ривожлантириш мақсадида ту-роператорлар билан ҳамкорликда аҳолининг барча вакиллари қизиқишини ўз ичига олган

намунавий шакл ва муқобил нархлардаги сайёҳлик дастурлари ишлаб чиқилди ва тарғибот учрашувлари ташкил этилмоқда.

Юртимизда дин ва эътиқод эркинлиги тў-лиқ таъминланган ва бу Конституцияда мус-тақамлаб қўйилган. Бунинг ифодаси ўлароқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳоким-ликлари, Дин ишлари бўйича қўмита билан биргаликда динлар таснифи бўйича мавжуд 1250 дан ортиқ зиёратгоҳининг ягона реестри шакллантирилди, “Uzbekistan travel” портали-га жойлаштирилган.

Жумладан, ислом динига оид 1183 та, хри-стиан динига оид 57 та, буддизм динига оид 9 та, яҳудий динига оид 8 та маданий мерос объекти тўлиқ ҳатловдан ўтказилди. Ушбу жойларга сайёҳларни жалб қилиш борасида барча шарт-шароит яратилган.

Президентимизнинг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида”ги қарори ижроси доирасида ўқувчи, тала-ба ва бошқа ёшларни юртимизнинг диққатга сазовор жойлари, қадимий ёдгорликлар, муқад-дас қадимжолар билан таништириш мақсадида “Ватанимизнинг тарихини ўрганамак” ва “Мо-зий сайёҳат” лойиҳаларини амалга оширишга амалий қадам ташланди.

Туристлар қўпайиши шароитга боғлиқ

Диёримизда туристлар учун қўлайлик ва жозибдор имкониятлар яратилмоқда. Аввало, мамлакатимизда ички сайёҳлар учун “кешбэк” тизими жорий қилингани аҳоли ўртасида тури-змга қизиқишни бирмунча оширди.

Бугун “Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат қил!” дастури доирасида ҳудудлар бўйлаб ички саёҳ-атини амалга оширган туристларга харажати-нинг бир қисми қайтариб берилмоқда.

2024 йилда сайёҳатга чиққан аҳолига 122,3 миллион сўм қайтариб берилди. Ҳудудларда жами 124 та янги меҳмонхона фаолияти йўлга қўйилди. Бу меҳмонхоналар жами 6400 дан ор-тиқ хонадан иборат.

Шунингдек, 239 та хостел ишга туширилди ва улар 7600 та хонадондан тарқиб топган. Де-мак, умумий оғанда, жами жойлаштириш воси-талари сони 6,1 мингтага, улардаги ўринлар сони эса 161 мингтага етакзилди.

Ортда қолган йилда оилавий меҳмон уй-лари очилиш ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 3200 туристга мўлжалланган 239 та оилавий меҳмон уйи ташкил этилиб, умумий сони 3752 тага, улардаги ўринлар сони эса 33 минг 500 тага етди.

Бугун туристлар оилавий меҳмон уйлари-га катта қизиқиш билдирмоқда. Бу тоғидаги меҳмон уйлари туристлар билан гавжум бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, оилавий меҳмон уйлари-ни очиш, айлқикса, қишлоқ жойларда аҳолининг иш билан банд бўлиши ва оилавий даромадини оширишга ижобий таъсир кўрсат-моқда.

Ички туризм қамрови кенгайиб боргани сари туристларга хизмат кўрсатувичи ташки-лотларга талаб ҳам ортиб бориши табиий. Ана шу омилни ҳисобга олиб, туристлар учун хизмат кўрсатувчи 1866 та янги туристик ташкилот фаолияти йўлга қўйилди ва умумий сони 3686 тага етакзилди.

Туризм соҳасидаги яна бир энг муҳим жи-ҳат сифатида санитария-гигиена масаласи-ни айтиш мумкин. Туристлар келадиган ҳар қандай ҳудуд, маскан санитария талабларига жавоб бера олиши керак. Шу бовис, сайёҳлар келадиган объектлар, барча турдаги автомо-билларга ёниги қуйиш станциялари, йўл бўй-лари ва аҳоли гавжум жойларда республика бўйича 2024 йилда 1007 та санитария-гигиена шохобчаси қурилди ва таъмирланди. Бундан ташқари, 4864 та барча турдаги ёниги қуйиш станциясининг санитария-гигиена шохобча-лари билан таъминланганлик даражаси 97,8 фоизга етакзилди.

Туристларни керакли ахборот билан ўз вақ-тида таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шуни инобатга олган ҳолда, 2024 йилда 14 та туризм ахборот маркази ташкил этилди. Бугун 151 та ахборот маркази туристлар учун хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, мамлакат бўйича 2025 йилда ташкил этилиши кўзда тутилаётган туризм ахборот марказлари манзилли рўйхати шакллантирилди. Улар белгиланган мuddатда керакли тарғибот материаллари билан таъмин-ланади.

Маҳаллий ва хорижлик сайёҳларга қўшимча қўлайликлар яратиш ва аҳоли бандлигини таъ-минлаш мақсадида 45 та “туризм кўчаси” таш-кил этилиб, қуну тун ишлайди. Шу билан бир-га, “туризм кўчалари”да сайёҳлар эҳтиёжи учун зарур барча маҳсулотлар савдоси, тунги мобил бозорлар фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, Миробод туманининг Тарас Шевченко кўчасида қуну тун ишлайдиган гастрономик кўча лойи-ҳасининг биринчи босқичи ишлари якунланди. Ушбу кўчада аҳоли ва сайёҳларга 30 дан ортиқ кафе, ресторан, савдо хизматларидан ташқари маданий-қўнқилочар тадбирлар ташкил қилиб келинмоқда.

Яна бир муҳим янгилик шуки, энди турист-лар учун ўзлари ташириф бюрган ҳудудда турли театр томошалари, мусикали шоулар уюшти-рилади. Сайёҳлар ҳаво шарида экскурсияга чи-қиши, ўзи борган жаммуа тарихи ҳақида қисқа метражли фильмлар томоша қилиши ҳамда бошқа янги хизмат турларидан фойдаланиши мумкин.

Ҳар бир йўналиш эътиборда

Президент қарорига кўра, сафари (экстремал) туризмни ташкил қилиш учун ташириф объектлари рўйхатини шакллантириш ва улар ҳудудида сайёҳларнинг ҳаракатланиши йўналиш-ларини белгилаш, шунингдек, сафари туризми объектлари тўғрисидаги ахборотларни туристик порталларга жойлаштириш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш, мазкур йўналишини таш-кил қилишга тадбиркорларни жалб этиш чора-ларини қўриш назарда тутилган.

Сафари туризмни ташкил этиш мақсадида ҳудудларнинг имконияти жойига чиққан ҳолда ўрганилди ҳамда 2024 йил ҳолатига кўра, 12 та ҳудудда 30 та туризм объекти рўйхати шакллан-тирилди.

Экстремал туризм объектларини маҳал-лий ҳамда хорижий сайёҳлар орасида тарғиб қилиш мақсадида объект тўғрисида тарғибот материаллари тайёрланиб, “Uzbekistan travel” порталига жойлаштирилди ва доимий равишда оммавий ахборот воситалари орқали ёритил-моқда. Сайёҳларнинг сафари туризм объектла-ри бўйлаб сайёҳатини ташкил этиш мақсадида туристик маршрутлар ишлаб чиқилди ва ту-роператор томонидан сайёҳатлар ташкил қилиб келинмоқда.

2024 йил декабрга қадар этнотуризмни ривожлантириш ва туризм ташириф объекти сифатида фойдаланиш мақсадида Самарқанд вилоятида 9 та, Тошкент вилоятида 3 та, Бухоро ва Фаргона вилоятларида эса 1 тадан мазкур туризм турига ихтисослашган корхоналар рўйхати шакллантирилди. Ушбу объектларда сайёҳлар-ни қабул қилиш учун шароит яратилиб, турис-тик ташкилотлар билан ҳамкорликда сайёҳлик дастурлари киритилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 3 август-даги “2023–2026 йилларда узумчилик ва вино-чилик соҳасини янада ривожлантиришга қари-тилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, қўмита томонидан этнотуризм йўнали-шида Туркиянинг Анталия туризм академияси, Россия давлат туризм ва сервис университетиги, Грузия этнотуризм ассоциацияси, Италиянинг “Марчеси Фереббасолди” корхонаси ва “Ил Сан-туссено” виночилик уюшмаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Тошкент вилояти Паркент туманида ҳар йили 35 давлатдан соҳа олим ва экспертлари иштирокида “Ўзум сайли” виночилик халқаро фестивали ташкил этилмоқда. 20 дан зиёд дав-латнинг туризм маъмуриятлари ҳамда хусусий ташкилотлари иштирокида “Ипак йўлида туризм” Тошкент халқаро туризм ярмаркаси ўт-казилмоқда. Мазкур тадбирларда Ўзбекистон-да ишлаб чиқарилган виночилик маҳсулотлари ва этнотуризм салоҳияти тарғиб қилинмоқда.

Шунингдек, Хитойнинг Шанхай шаҳрида “Ўзбекистон — Ипак йўли дундоноси” туризм тадбири ҳамда Тожикистоннинг Душанбе шаҳ-рида “Made in Uzbekistan. Dushane” кўргазма-си доирасида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган вино маҳсулотлари намойиш этилди.

Барча учун қўлайлик яратилмоқда

Ички сайёҳатларни ташкил этишда, албатта, аҳолига қўпроқ моддий жиҳатдан енгиллик бе-риш ва бу орқали ҳар бир фуқарога республика бўйлаб сайёҳатга чиқиш имкониятини яратиш-га эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Янги йил, Наврўз, Мустақиллик куни, Рамазон ҳамда Қур-бон ҳайити байрамлари муносабати билан аҳо-лининг дам олиш кўнларини мароқли ташкил этиш ҳамда ички туризмга жалб қилиш мақса-дида самолёт, поезд, автобус йўналишлари, шу-нингдек, зиёратгоҳларга киришда 50 физогача чегирмалар жорий қилинди.

Туризм соҳаси субъектлари томонидан тақ-дим этиладиган чегирмаларни ўз ичига олган ҳамёнбон турпакевлар ишлаб чиқиш мақсадида ҳудудларда фаолият юритаётган туроператор ва турагентлар ўртасида “B2B” учрашувлар ташкил қилиш тизими йўлга қўйилди ҳамда соҳанинг ташаббускор тадбиркорлари томонидан тақдим этиладиган чегирмаларни ўз ичига олган қўлай ва арзон туристик дастурлар тайёрланди.

Жорий йилги вазифалар

2025 йилда қўмита томонидан меҳмонхо-налар ва жойлаштириш воситалари сонини 6600 дан ошириб, улардаги ўринлар сонини 166 мингта етакзиш мақсад қилинган. Шу билан бирга, туроператорлар ва турагентлар сони 3800 тага олиб чиқилди.

Сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини оши-риш мақсадида қўшимча 400 янги гид-таржи-мон ўқитилиб, ўрнатилган тартибда фаолияти йўлга қўйилиши кўзда тутилган. Ҳудудларда туризм йўналишида қиймати 400 миллион дол-ларга яқин 20 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарь ва Наманган вилоятларида 4 та туризм кластери, Фаргона вилоятида 1 та туризм рекреацион зонаси, Бўстонлик ҳамда Шахри-сабб туманларида 2 та таро йўли фойдаланишга топширилди.

Туризм соҳасини рақамлаштириш, туристик хизматларни бирлаштириш мақсадида “Мил-лий туризм ягона платформаси” ишга ту-ширилди. Мазкур платформа орқали туризм соҳасига оид барча хизматларни ягона электрон маконда тақдим этиш имконияти яратилди.

Хусусан, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаш-тириш воситаларини онлайн банд қилиш ва ба-ҳоллаш тизими жорий этилади. Бундан ташқари, вилоятларро автобус, авиа ва темир йўл чипта-ларини харид қилиш, такси ва автомобилларни ижарага олиш, гид ва экскурсия етакчилари-нинг хизматига бюортма бериш имконияти ҳам платформа доирасида тақдим этилади.

Шунингдек, тайёр туристик дастурларни ха-рид қилиш, маданий мерос объектлари, музейлар ва диққатга сазовор жойларга кириш чипталари-ни онлайн сотиб олиш имконияти яратилди. Платформа миллий ва халқаро тўлов тизимлари билан интеграция қилиниши режалаштирилган. Бу сайёҳлар учун ҳафсиз ва қўлай молиявий операцияларни амалга оширишни таъминлайди.

Шу билан бирга, сайёҳлар ва туризм хиз-матлари кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун 24/7 техник қўллаб-қувватлаш тизими йўл-га қўйилди. Булар натижасида:

- хорижлик туристлар сони 11 миллион-га ва туризм хизматлари экспорти қиймати 3,8 миллиард

9 февраль — Алишер Навоий таваллуди куни

Ҷаҳон зийлиси

Ҳазрат асарлари билан қуроқланса...



Олимжон ДАВЛАТОВ,
Алишер Навоий номидаги
халқаро жамоат фонди ижрочи директори

Ватанимиз тарихига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар ва мўтабар манбаларда қадим-қадимдан муқаддас диёримиз улугъ авлиё ва алломалар, мутафаккирлар шoirлар, фотиҳу енгилмас саркардалар юрти экани таъкидланади. Айниқса, жаҳон илм-фани тараққиётига мислсиз ҳисса қўшган икки Ренессанс даврида юртимиздан етишиб чиққан олим ва мутафаккирларнинг илмий кашфиётлари, адабиёт ва санъат аҳли томонидан яратилган бетақдор ижод намуналари рўйхатининг ўзи бир неча жилда китобни ташкил этиши бу ҳақиқатнинг ойдин далилидир. “Ҳар гулнинг ўз иси бор” деганларидек, мозийда ўтган олимۇ фозилларнинг ҳар бири илм-фан, адабиёт ва санъат оламида ўз ўрнига эга, албатта. Аммо улугларимиз орасида жаҳоҳирлар шодасида ўзгача ёғду таратувчи кўхнур олмосидек алоҳида ажралиб турадиган бир сиймо борки, у туркий халқларни бирлаштирувчи маънавий яловбардор Ҳазрат Мир Алишер Навоийдир.

Учинчи ирмоқ

Мавлоно Абдурахмон Жомий “замон ва маконни ўз измига бўйсундирган зот”, дея таърифлаган, Заҳриддин Мухаммад Бобур “беназир шахс”, дея юксак баҳо берган мумтоз шoir бобомизнинг шахсияти ва ижоди беш асрдан зиёд муддатда соғлом тафаккур соҳиблари учун қомиллик мағи, маҳорат мактаби вазифасини ўтаб келмоқда. Одатда даврлар ўтиши билан аксар тарихий сиймолар авлодлардан йироқлашади. Аммо ҳар бир қойидада истисно бор. Ҳазрат Навоий эса вақт ўтгани сари миллатимизга янада яқинлашиб, ҳар жаҳонда муаллимлик қилмоқда. Зотан, унинг нурили ҳаёти, бунёдкорлик ишлари, мамлакат тинчлиги ва ободлиги йўлидаги жасорати ва ҳиммати, илм-фан, санъат ва маданият аҳлига кўрсатган ғамхўрлиги қанчалик ибратли бўлса, ҳар жиҳатдан ҳайратланарли улкан ижодий мероси ҳам бутун кун саволлари, келажак идеалларига жавоб топишда бебаҳо сарчашма ҳисобланади.

Миллий XV асрга қадар Хуросон ва Мовароуннаҳр минтақасида бақамти яшаб келган халқларнинг муштарак маданий-маънавий мероси, асосан, форс ва араб тилларида яратилган бўлса, Алишер Навоийнинг амалий саяё-ҳаракатлари ва баракали ижоди шарофати ила туркий тилда яратилган адабиёт мусулмон Шарқ илму урфон наҳрига учинчи ирмоқ бўлиб қўшилди. Навоийнинг даҳолиги шундаки, у араб ва форс адабиётларининг кўп асрлик тажрибаларини ижодий ўзлаштирган ҳолда яқка ўзи ушбу адабиётларга тенг бўла оладиган муҳташам адабий обидалар яратди. Мутафаккир бобомиз адабий-бадий, диний-таъаввуфий ва илмий асарлари билан ўзбек адабиётининг ўзгача бўлган даврдаги кемтикликларини тўлдириб, сўз санъати борасида туркий тил бошқа лисонлардан заррача кам эмаслиги, аксинча, ўзига хос латофат ва фароғатга эга эканини амалда исботлади. Шарқу Ғарб олимлари бир овоздан тан олганидек, Навоийнинг ижоди алоҳида олиб қаралганда мумтозлик даражасидаги мукамал бир адабиёт талабларига тўла-тўқис жавоб беради.

Алишер Навоийнинг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрнини тасаввур қилмоқ учун унганча бўлган давр ҳамда кейинги асрларни қиёслаш қийноқ. Туркийлар асрлар давомида мусулмон Шарқининг сиёсий, иқтисодий ҳаётида етакчи халқлардан бўлганига қарамай, маданий ҳаёт ва айниқса, адабиёт соҳасида туркий тилининг роли сезиларли даражада эмасди. Ҳазратнинг оламшумул асарлари туйғули ўзбек тили адабий лисон сифатида узил-кесил шаклланиб, бу тилда нанкин шoirлар адиблар, балки олимۇ фозиллар ҳам турли мавзуда асарлар, илмий рисола-лар ёзиш имконини қўлга киритди. Даҳо ижодкорларнинг тарихий хизмати шундаки, улар ўзларига қадар ҳеч ким қаддам босмоққа журъат қилмаган ёлғизёёқ сўқмоқлардан юриб, ҳаллафлари учун янги



Авалло, “авлиёлар авлиёси” дея таърифланган мутафаккир бобомиз ижоди Қуръони карим, ҳади-си шариф каби боқий сарчашмалардан сув ичганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳар бир сатри илоҳий ҳикмат, инсоний ибратга йўғрилган асарларнинг замонлар эврилса-да, аҳамиятини мисқолча йўқотмай келадигани бош сабаби шу. Қолаверса, ёлгон, ўтриқдан ҳазар қилган бу улугъ зот ҳар қандай вазиятда ҳам фақат рост сўзини айтмоқни бурчи деб билган. Сирасини айтганда, “Сўзюда, Навоий, не десане, чин дегил” шoirи билан яшаган ҳаққий шoir адабиётда фақат рост сўз яшашга ҳаққилигига имон келтирган эди. Умри давомида ҳаётнинг барча аччиқ-чуққини то-тиб, оддий навкарликдан мамлакат сиёсатининг асо-сий устуни даражасигача бўлган босқичларни босиб ўтди, тақдирнинг турли-туман синовларини ўз тана-

сида яшди. Мутафаккир шoir ҳақиқат ва адолатнинг шунчаки куйичисига эмас, балки фаол курашчиси бўлгани боис, унинг асарларида юксак тарзда бадий ифода топган хулосаю кузатувлар, мушоҳада ва мулоҳазалар, рост сўз ҳамда расо фикр вобаста бўлган ҳикматлар ҳаққонийлиги, ҳаётлиги билан бутунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Адабиёт аталмиш соҳир санъат пайдо бўлганидан буён рўйи заминда неча юз минглаб шoirлар, адиблар яшаб ўтгандир. Илло, улар орасида Навоий каби жаҳоний шухрат қозонган, номи инсоният та-рихиға абадий муҳрланганлари кам. Ориф шoirи-миз топиб айтганидек, “Лекин, дўстлар, шеър аҳли аро жаҳоншери кам булар, росту”.

Ҳомер, Фирдавсий, Низомий, Данте, Шекспир каби алп ижодкорларнинг мўъжизакор ижод на-муналари қаторида Ҳазрат Навоийнинг мероси, айниқса, безавол “Хамса”си жаҳон тамаддуни йилномасининг олтин саҳифасини ташкил этади. Абдурахмон Жомийнинг “Алишер Навоий “Хам-са”си — темурийлар салтанатининг энг муҳим ҳосиласи”, деган баҳосида улкан ҳаётий ҳақиқат мужассам. Чиндан, ўзбек халқи тафаккури қомуси ўлароқ яратилган бу асар Соҳибқирон Амир Тему-рас асос солган қудратли салтанатда амалга оширил-ган маънавий ислохотларнинг хулосаси сифатида майдонга чиқди. Беш ҳазина — беш дostonдан иборат ушбу муаззам асар ўзбек халқининг маъна-вий қудрати унинг ҳарбий ва сиёсий салоҳиятидан асло кам эмаслиги, маърифат ва адолат ўзбек дав-латчилиги, тафаккурининг асосини ташкил эти-шига аққол далилдир. Жаҳон сиёсати, ҳарбу зарб тарихини ўзбек халқи асос солган давлатчиликсиз тасаввур этиб бўлмаганидек, дунё адабиёти, инсо-ния тафаккури тарихини Алишер Навоий сиймо-си ва унинг қаламига мансуб асарларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мутафаккир шoirнинг юксак бадий йўсинида ифода этилган инсонпарварлик қарашлари барча давру замонларда олам ва одам, ҳақиқат ва адо-лат, тўғрилиқ, инсоф, ростгўйлик, ўзликини англаш ҳамда шу орқали Яратганини таниш каби умрбо-қий жумбоқлар ҳақида тафаккур қилиш, оқилона хулосалар чиқаришга кўмақдош бўлиб келадир.



Ҳақим йўлдошев олган сурат.

Айниқса, бутунги таҳликали замонда “Олам аҳли билинғизким, иш эмас душманлиғ, Ёр улунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш”, дея ўғит берган зотнинг тинчлик ва фаровонлик, ватанпарварлик ва инсонсеварлик хусусидаги мушоҳадалари янада кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Миллий маънавиятимизнинг ўқтомири

Алишер Навоийнинг шахсияти ва ижодига қизиқиш унинг ҳаётлиги давридаёқ бошланган. Мутафаккирнинг ҳаётини нақл этувчи илк тари-хий манба Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъ ус-садайн ва мажмаъ ул-Баҳрайн” бўлса, адабий фаолияти ҳақида биринчи бўлиб бошқа бир са-марқандлик олим — Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарида маълумот берилган. Навоийшуносликнинг асл ватани бутунги Ўзе-бекистон эканини ҳисобга олган ҳолда миллий дав-латчилигимизнинг маънавий асоси ва ўзгиллигини ан-гласл жароғини улугъ бобомизнинг шахсияти, унинг уммондек теран ва тоғлардек улкан ме-росини тадқиқ этиш билан боғлиқ равишда амалга о-ширишимиз лозим. Негаки халқимиз маданий ҳаёти ва тарихини муаззам бир чинорга ўхшатсақ, ҳеч шуб-ҳасиз, Ҳазрат Навоийнинг ижоди ушбу азим ого-чининг ўқтомири эрур.

“Лисон ут-тайр” дostonида бундай байт бор:
Одамиз ахши кўп авсоф эрур,
Лек аларнинг ашрафи инсоф эрур.

Агар шу байтдаги ҳикматга амал қилиб, инсоф юзасидан фикр юритсак, сўнгги йилларда давлати-миз раҳбари томонидан Алишер Навоийнинг шах-сияти ва бебаҳо меросини тарғиб қилиш бўйича жуда кўп ишлар ва ташаббуслар қилинганга амин бўламиз. Айниқса, Президентимизнинг “Буюк шoir ва мутафаккир Алишер Навоий таваллуди-нинг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори жаҳон навоийшунослигининг янги сифат босқичига кўтарилишида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди. Дунё зийлилари томонидан “Туркий халқ-ларнинг Нобель мукофоти” дея эътироф этилган Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилиши, ўттиз жилдан иборат “Истиқлол дав-ри ўзбек навоийшунослиги” илмий тадқиқотлар мажмуаси наشري каби эзгу ишлар орқали шoir муҳибларининг асрлик орзулари рўёбга чиқаётди. Корея Республикаси, Беларусь, Қозоғистон, Тур-кия, Венгрия, Туркменистон каби мамлакатларда Навоийнинг ҳайкал ва бюстлари ўрнатилиши ҳам шундан гувоҳлик берадики, юритилаётган адолат-ли ва маърифатпарвар сиёсат туйғайли жаҳон ҳам-жамияти Ўзбекистон деганда Навоийни, Навоий деганда Ўзбекистонни тасаввур этмоқда.

Ана шундай эзгу ва оламшумул ишларнинг ман-тикий давоми сифатида Президентимиз ташаббуси билан улугъ шoirимиз номи ила аталган вилоятда 2025 йил “Алишер Навоий йили” деб эълон қилин-ди. Йил давомида нафақат Навоий вилоятда, бал-ки бутун республикада навоийхонлик кечалари, турли танловлар, илмий анжуманлар ўтказилиши белгиланди. Ушбу кутлугъ йил мобайнида Навоий асарлари номи билан аталган янги боғлар бунёд этилади, илмий экспедициялар уюштирилади. Шу каби кўплаб вазифалар қатори Навоийнинг шахсия-ти, ҳаёти ва ижодини хорижда кенг тарғиб қилиш ҳам кўзда тутилган.

Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фон-ди ҳам ушбу хайрли ишлар рўёби йўлида ташаббус-лар кўрсатиб келмоқда. Жўмладан, фонд томонидан ўтказиб келинаётган “Алишер Навоий ва Шарқ Ре-нессанси” халқаро илмий-назарий симпозиумнинг навбатдагиси жорий йил 8-9 февраль кунлари Навоий шаҳрида ташкил этилмоқда. Бу йилги симпозиум

Боқийликка дахлдор маълумотлар



Ҳазрат Навоий таваллудининг 550 йиллиги
муносабати билан 1991 йил Ўзбекистонда
Алишер Навоий йили деб эълон қилинди.



Халқаро астрономия уюшмаси Меркурий
сайёрасидаги 15 кратердан бирига Алишер
Навоий номини берган.

Алишер Навоийнинг қўлёзмалари Россия,
Буюк Британия, Туркия, Эрон, АҚШ ва бошқа
мамлакатларнинг кутубхона ва музейларида энг
қимматли дурдона сифатида сақланади.

Туркий давлатлар ташкилоти доирасида
Алишер Навоий номидаги
халқаро мукофот таъсис этилган.

Мамлакатимизнинг деярли
ҳар бир ҳудудида шoir
хотирасига муҳташам
хайкаллар ўрнатилган.
Бундан ташқари,
Қирғизистон, Россия,
Япония, Озарбайжон,
Хитой ва Тожикистонда,
сўнгги йилларда эса Корея
Республикаси, Туркменистон,
Венгрия, Қозоғистон, Туркия,
Беларусь мамлакатларида
аждодимизга эҳтиром
рамзи сифатида Алишер
Навоийнинг ҳайкал ва
бюстлари очилди.



Алишер Навоийнинг “Хамса” асари дунёнинг
64 тилига таржима қилинган.

Президентимиз ташаббуси билан
2025 йил Навоий вилоятида “Алишер Навоий
йили” деб эълон қилинди.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АССОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган
ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли
чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.
36060 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусахҳиз: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 23:40 Топширилди — 02:00